

2022 йил «25» Январь

Низом асосида ҳаракат қилувчи (кейинги ўринларда «Истеъмолчи» деб аталади),
Вилоят 18 – сонли КБИЧБУИДТМ
(Бюджет ташкилотининг, хўжалик юритувчи субъектнинг номи)
раҳбари номидан ҳаракат қилувчи: З.Рахимов
бир томондан ҳамда Низом асосида ҳаракат қилувчи (кейинги ўринларда «Етказиб берувчи» деб аталади)
«Худудгаз Қашқадарё» газ таминот филиалининг
(Газ етказиб берувчи корхонанинг номи)
раҳбари номидан ҳаракат қилувчи: _____ иккинчи томондан мазкур шартномани
куйидагилар тўғрисида имзоладилар:

I. Шартнома мавзуси

1.1. Етказиб берувчи ўз зиммасига газ тармоқлари орқали Истеъмолчининг келишилган буюртманомаси бўйича табиий газ етказиб бериш мажбуриятини олади, Истеъмолчи эса ўз зиммасига ушбу шартноманинг 1.3-бандида кўрсатилган табиий газ ҳажмини қабул қилиш мажбуриятини олади ҳамда тўловларни муддатида, белгиланган нарх бўйича амалга оширади.

1.2. Етказиб берувчи ушбу шартномага мувофиқ Истеъмолчидаги газдан фойдаланиш учун стандартланган ва сертификатланган газ ёниш қурилмалари ва жиҳозлари, шунингдек газни ҳисобга олиш приборлари мавжуд бўлганда газ таъминоти лойиҳаси асосида табиий газ етказиб беради.

1.3. Истеъмолчи билан келишилган буюртманома бўйича етказиб бериладиган табиий газ ҳажми техник шартларда белгиланган босим ва ҳажмда 2022 йилда 29696 куб метрни, нархи 660 жами 19599360 минг сўмни ташкил этади, шу жумладан чораклар ва ойлар бўйича куйидагича тақсимланади:

I чоракда минг куб.29696 м., январда 10303 февралда 10303 марта 9090

II чоракда _____ минг куб. м., апрелда _____ майда _____ июнда _____

III чоракда _____ минг куб. м., июлда _____, августда _____ сентябрда _____

IV чоракд минг куб. м., октябрда _____ ноябрда _____ декабрда _____

1.4. Агар Истеъмолчи ойлар бўйича бўлинган буюртманомани тақдим этмаса, у холда Етказиб берувчи томонидан чорак учун ажратилган табиий газ ҳажми ойлар бўйича бир хил миқдорда тақсимланади.

1.5. Истеъмолчининг таклифига кўра, мўлжалланаётган ўзгартиришларгача 10 кундан кечикмасдан киритилган, газ етказиб бериш шартномасидаги ўзгартиришлар кейинги ой учун қайд қилинган газ бўйича ортиқча олинган деб ҳисобланмайди. Етказиб берилаётган газ ҳажмларига ўзгартиришлар факат олдиндан 100 фоиз тўлов тўланганда амалга оширилади.

II. Табиий газ етказиб бериш ва уни қабул қилиш тартиби

2.1. Истеъмолчи Етказиб берувчига жорий йилнинг 15 июляга қадар чораклар (қиши даврида — ойлар)га бўлинган холда кейинги йилда прогноз қилинаётган газ истеъмоли ҳажмига буюртманома беради.

2.2. Табиий газ етказиб бериш шартномада белгиланган муддат ва ҳажмда амалга оширилади.

2.3. Истеъмолчи навбатдаги ойга (чоракка) мўлжалланаётган ўзгартиришларгача 10 кундан кечикмай талаб қилинган газ ҳажми бўйича шартномага ўзгартириш киритиш юзасидан буюртманома беришга ҳаклиди.

2.4. Етказиб берувчи 1.3-бандда кўрсатилган ҳажмда Истеъмолчига табиий газ етказиб беради. Етказиб берилган газ учун ҳисоб-китоб газ ҳажмини стандарт шартларига кўра (ГОСТ 5542-87 ва ГОСТ 2939-63 1.1-бандига асосан) куб метрга, яъни $T=20^{\circ}\text{C}$, $P=760 \text{ mm simob}$ устунига келтирилган холда амалга оширилади.

Агар Истеъмолчидаги газ харорати ва босимини ҳисобга олган холда автоматик тарзда газ ҳажмини ҳисоблайдиган газни ҳисобга олиш прибори мавжуд бўлмаган тақдирда, Истеъмолчи билан Етказиб берувчининг ўзаро ҳисоб-китобларида газни ҳисобга олиш прибори кўрсаткичига белгиланган тартибида ҳисобланган тузатиш коэффициенти кўлланади.

2.5. Истеъмолчи Етказиб берувчидан ушбу шартноманинг 1.3. ва 1.4-бандларига асосан жорий ой учун газ истеъмолининг ўртача кунлик меъёри доирасида табиий газни қабул қиласи, шунингдек ой охирида тузилган газ етказиб бериш ва қабул қилиш далолатномасини имзолайди.

2.6. Етказиб берувчи Истеъмолчини диспетчер алокаси канали орқали телефонограмма билан 6 соат мобайнида табиий газ етказиб бериш ва қабул қилиш тартиби ва шартлари ўзгарганлиги тўғрисидаги ҳабардор қилиши шарт.

Етказиб берувчининг авария-диспетчерлик хизматлари телефонлари ракамлари: